

Урганч шаҳар

31 Август 2022 йил

«XORAZM OBI HAYOT» МЧЖ биринчи томондан, бундан кейинги матнларда «Таъминловчи» деб юритилади, раҳбар Б.Курбанов ишончномага асосан ва Ичимловчи Ширкат ОМТБ иккинчи томондан, кейинчалик «Истеъмолчи» деб юритилади, раҳбар С.Реймлов Низомга асосан қуйидаги шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1 «Таъминловчи», «Истеъмолчи»ни ичимлик суви билан таъминлайди.
- 1.2 Истеъмол қилинаётган ичимлик сувнинг миқдори сув ўлчагич ва сарф ўлчагичларда аниқланади. Сув ўлчагич асбоблари бўлмаган тақдирда ушбу шартноманинг 3.3 банди бўйича ҳисобланади.
- 1.3 Йил давомида ичимлик сув етказиб бериш миқдори ва даври:

Чорак	Сув учун	М	Сўм	Абонент тўлови	Сўм
I чорак	<u>168</u>	м3	<u>1051680</u>	<u>110400</u>	сўм
II чорак	<u>—</u>	м3	<u>—</u>	<u>—</u>	сўм
III чорак	<u>—</u>	м3	<u>—</u>	<u>—</u>	сўм
IV чорак	<u>—</u>	м3	<u>—</u>	<u>—</u>	сўм
Жами:	<u>168</u>	м3	<u>1051680</u>	<u>110400</u>	сўм
Жами:		<u>1162080</u>	сўм сув ва абонент тўлови учун		

1.4 Талаб қилинган ичимлик суви O'z Dst 950:2000 Давлат стандарти талаблари асосида етказиб берилади. (сувнинг қаттиқлиги бундан мустасно).

1.5 Ичимлик суви 20 мм диаметри кувурлар орқали етказиб берилади

1.6 Окава сувларни — мм диаметри кувурлар орқали қабул қилади.

II. ШАРТНОМА БАХОСИ

2.1 «Таъминловчи» томонидан етказиб берилган сув ҳақи белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.2 «Истеъмолчи»га етказиб берилган 1 м3 ичимлик сув ҚҚС билан 6210 сўм + 50 сўм(маҳсус устама ҳақ), ойлик абонент тўлови ҚҚС билан 9200 сўм.

2.3 «Истеъмолчи» га тарифларни ўзгариши тўғрисидаги маълумот, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал матбуот ва ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

2.4 Шартноманинг умумий баҳоси 1162080 сўм бюджет-маблагларида — сўм (соқсан)

Бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан.

III. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1 «Истеъмолчи» ичимлик суви хизматлари учун тўловларни охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун хар ойнинг 10-санасига қадар 30 фоиз олдиндан тортишувсиз тўлаши лозим.

3.2 Етказиб бериладиган ичимлик сувининг миқдори хар иккала тарафнинг давлат назоратидан ўтказилган сув ўлчагич асбоби орқали ўлчанади ва бу тўғрида хар ойнинг охириги кунда томонлар ўртасида ҳисоблашиш далолатномаси тузиб борилади.

3.3 Сув ўлчагич асбоблари ишдан чиққан ҳолларда сув миқдори аввалги 3 ойнинг (охириги ой бундан мустасно) ўртача маълумоти бўйича аниқланади. Бу тартиб янги сув ўлчагич ўрнатилгунга қадар лекин бир ойдан ошмаган муддатда тадбиқ қилинади. Сув ўлчагич асбоби кўрсатилган муддатда ўрнатилмаса, сарф қилинган сув миқдори сув қувурининг юзаси бўйича сутканинг 24 соати (болалар боғчалари, ясли, болалар уйлари, маданият уйлари ва клублар учун 12 соат) давомидан қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$Q=M \cdot F \cdot \text{илдиз}(2g \cdot H) \cdot t$, M-0,60 га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффиценти, F-сув қувури ёки (задвижка) кундаланг кесими (м2), t-оқиш вакти(секундларда), H-сув босими (м)

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Таъминловчи» мажбуриятлари

4.1 «Таъминловчи» ўз балансида бўлган сув қувурлари орқали ичимлик суви билан таъминлаш мажбуриятини олади.

4.2 «Таъминловчи» шартномада кўрсатилган ҳажмдаги (лимитдаги) ичимлик сув беришни ҳақ эвазига таъминлайди.

«Истеъмолчи» мажбуриятлари

4.3 «Истеъмолчи», «Таъминловчи» га ушбу шартномага алоҳида илова қилган ҳолда «Таъминловчи» нинг қувурларига уланиш нуқталари схемасини тақдим қилади.

4.4 «Истеъмолчи» хар ойнинг 25 кунигача сув ўлчагичларнинг кўрсаткичини «Таъминловчи» га ёзма равишда бериши лозим.

4.5 Ўз балансида бўлган сув таъминоти тармоқлари иншоот ва қурилмаларидан тўғри техник фойдаланишни таъминлаши лозим.

4.6 «Истеъмолчи» келгуси йилнинг хар ойлари учун етказиб берилиши зарур бўлган ичимлик сувининг ҳажми тўғрисидаги ёзма талабномани «Таъминловчи» га йил бошланишидан 90 кун олдин тақдим қилади.

4.7 «Истеъмолчи» йил мобайнида талаб қилинган сув миқдорини ўзгартириши лозим бўлса, бу тўғрида «Таъминловчи» ни камиди 30 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

4.8 «Истеъмолчи», «Таъминловчи» нинг масъул ходимига зарур пайтларда сув ўлчагич асбоблари ишини қўриш учун имкон бериши лозим.

4.9 «Истеъмолчи» томонидан аниқланган сув таъминоти ва тармоқларини бузилиш ва носозликлар ҳақида «Таъминловчи» га (62) 225-85-02 телефони орқали дарҳол хабар берилиши керак. Сув ўлчагич ишдан чиққан ҳолларда «Таъминловчи» га ёзма равишда хабар бериши лозим.

4.10 «Истеъмолчи» банкротликка учраган ёки корхона ташкилот тугаётганда, номи ўзгарганда, ҳисоб рақами ўзгарганда «Таъминловчи» га зудлик билан ёзма равишда хабар бериши лозим.

4.11 «Истеъмолчи»га ичимлик суви билан кундуз кунлари дарахтлар, ховлилар, йулакларни суғориш ман қилинади, суғориш кечки 24.00дан эрталабки 6.00гача рухсат қилинади.

4.12 «Истеъмолчи» овава сувлар бўйича ушбу шартномага илова қилинган «Алоҳида шартлар»га амал қилади. Унга амал қилмаслик натижасида етказилган моддий зарар «Истеъмолчи» дан белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.13 «Истеъмолчи» томонидан сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки ҳисобга олиш кўрсаткичларини ўзгартириш, сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда сув тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилинмаган ҳолатлар «Таъминловчи» томонидан аниқланган ҳолларда далолатнома тузилиб, амалдаги қонунчиликка асосан «Истеъмолчи» ни маъмурий, моддий, жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

4.14 «Истеъмолчи» объектларининг сув таъминоти, сув ўлчаш асбоби, ундаги пломбанинг ва сув қувурлари иншоотлари ва мосламалари, сув ўлчаш узели ҳолати учун «Истеъмолчи» Е.Хайдаров ни масъул этиб тайинлайди.

V. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1 «Истеъмолчи» томонидан олинган ичимлик суви учун тўловлар икки томонлама тузилган далолатномага ва белгиланган тарифларга асосан амалга оширилади.

5.2 «Таъминловчи» қўйидаги ҳолатларда «Истеъмолчи»ни олдиндан огоҳлантирган ҳолда ичимлик сувни етказиб беришни қисман ёки бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин:

- «Истеъмолчи» уз вақтида тўловларни амалга оширмаганда;
- «Истеъмолчи» ушбу шартнома шартларини бажармаганда, жумладан сувни истеъмол қилишда белгиланган мақсадларда фойдаланишга амал қилмаганда;
- Белгиланган муддатларда икки томонлама тузиладиган ҳисоблашув далолатномалари «Истеъмолчи» муҳри билан ўз вақтида тасдиқланмасдан, тўлов муддатлари кечиктирилганда;
- «Истеъмолчи» нинг балансидаги сув ўлчагич асбоблари, тармоқлари ва усқуналарининг техник ҳолати қониқарсиз бўлиб, бу юзадан «Таъминловчи»нинг ёзма кўрсатма ва маслаҳатлари бажарилмаганда;
- «Таъминловчи»нинг иншоотларида режалаштирилган таъмирлаш ишлари олиб борилганда.

5.3 «Таъминловчи» қўйидаги ҳолларда «Истеъмолчи»ни олдиндан огоҳлантирмасдан сув беришни қисман ёки бутунлай тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга:

- Сув узатиш иншоотларида қутилмаганда электр энергияси таъминоти тўхтатилганда, авариялар содир бўлганда;

- Форс-мажор ҳолатларда сув узатиш объектлари ва магистрал сув қувурларида фавқулдда:

яъни ер кимирлаши, сув тошқини, бўрон ва ҳақоза ҳолатлар рўй берганда.

5.4 Сув таъминоти тизимидан илгари узиб қўйилган(тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган) истеъмолчилардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробар миқдорида тўлов қайта уланиш амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

5.5 Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1 Томонлар жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун асосида белгиланади.

6.2 Ичимлик сувини етказиб бериш ҳажми «Таъминловчи» томонидан камайтириб юборилганда ёки тўлик етказиб берилмаган ҳолларда «Истеъмолчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган қисми ичимлик суви қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3 «Истеъмолчи» ушбу шартноманинг 4.4, 4.5, 4.8 – 4.11 бандларни бажармаган ҳолларда далолатнома тузилиб сув сарфи ушбу шартномани 3.3 банди бўйича ҳисобланади. Бу вақтда сув ўлчагич кўрсаткичи ҳисобга олинмайди.

6.4 «Истеъмолчи» фойдаланилган ичимлик сув ҳаққини ўз вақтида тўламаган ҳолларда ҳар бир тўлов кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, бироқ пеня қарздорлик тўловини 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

6.5 «Таъминловчи» «Истеъмолчи»нинг қарзи бир ойлик қарздорликдан ошиб кетса сув таъминоти хизматини тўхтатиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда «Истеъмолчи» 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантирилади.

6.6 «Таъминловчи» ичимлик сувини ўз вақтида етказиб берганда, бироқ «Истеъмолчи» томонидан белгиланган ҳажмдаги ичимлик суви асоссиз равишда рад этилса ёки ўз муддатида олинмаса, ушбу олинмай қолган ичимлик сув ҳажмининг 5% миқдорда неустойка тўлайди.

6.7 «Истеъмолчи» нинг ишлаб турган қоммунал сув таъминоти системасига ўзбошимчалик билан уланиш ман қилинади. Ўзбошимчалик билан уланиш деб, уланиш «Таъминловчи»нинг техник назоратчисиз фойдаланишга топширилган, амалдаги қоидаларда ўрнатилган тартибда топширилмаган, «Таминловчи» га хабар бермасдан сув тармоғига уланиш қурилмалари, сув ўлчагичларни, сув ўлчов бўлимларини алмаштириш ишлари бажарилган ҳоллар ҳисобланади.

6.8 Ўзбошимчалик билан уланиш аниқланган ҳолларда «Таъминловчи» икки нусхада далолатнома тузади ва бир нусхани рухсатсиз уланиш эгаси «Истеъмолчи»га беради. «Истеъмолчи» далолатномада келтирилган далиллардан норози бўлган ҳолларда далолатнома «Истеъмолчи» нинг норозилиklarини кўрсатган ҳолда «Таъминловчи» нинг вакили томонидан бир томонлама тартибда имзоланади. Бу ҳолларда далолатнома хақиқий кучга эга деб ҳисобланади ва рухсатсиз уланган тармоқ эгасининг («Истеъмолчи»нинг) жавобгарлигини белгилаш ва 3.3 бандда кўрсатилган формула буйича «Таъминловчи» кўрган зарарни аниқлаш ва «Истеъмолчи»дан ундириб олиш учун асос бўлади.

6.9 Сув ўлчаш асбобларининг ва улардаги муҳрларни сақлаш ва бутунлиги учун жавобгарлик «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Қодеҳси ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун билан тартибга келтирилади.

7.2. Тарафлар ўртасидаги ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган барча низо ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасидаги музокара йўли билан хал қилинади.

7.3. Агар низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан хал қилинмаса, улар Хоразм вилояти Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VIII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки томонда бир нусхадан сақланади.

8.2. Шартнома муддати «1» Июль 2022 йилдан «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади. Агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш учун муддати тугашига бир ой қолганда ариза бермаса, кейинги йилга узайтирилган деб ҳисобланади.

ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛГОХЛАРИ:

«ТАЪМИНЛОВЧИ»

«ХОРАЗМ ОБИ НАЙОТ» МЧЖ

Манзил: Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси 133 уй
Тел/факс: +998(62) 225-85-02, 225-85-03
Х/Р: 20208000901949745001
АТБ "Турон Банк" Урганч филиали
МФО: 00551, СТИР: 202271701
ИФУТ: 36000
ҚҚС рўйхатдан ўтиш коди 333010001304

Директор (имзо) Курбанов Б.О.

М.У

Хуқуқшунос

Ф. Каримов

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Манзил: Умаршоҳир тўқсан афв
Тел/факс: 44-9716320
Х/Р: 100022860337267081100251019
Банк: Аллайқозим
МФО: 00014 СТИР: 305154113
ИФУТ: _____

Раҳбар (имзо)

М.У

Алохида шартлар

1. Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ташланаётган оқава сувлар ҳажми берилган техник шартларда кўрсатилгандан (техник шартлар бўлмаса тузилган шартнома) ошмаслиги шарт.
Оқава сувлар 24 соат давомида бир хил ҳажмда ташланиши керак. Оқава сувларни ифлослантирувчи моддаларни йиғиб, бирданига ташлаш қатъиян ман қилинади, эқалогик тўловга тортилади.
2. Оқава сувлардаги моддалар таркиби белгиланган ПДС меъёрий ҳужжат доирасидан ошган тақдирда Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2003-йил 1 майдаги №198 сонли қарори бўйича эқалогик тўловга тортилади.
3. Ишлаб чиқариш корхоналари оқава сувларидан «Таъминловчи» ходимлари томонидан ҳар ойда 1 марта намуна олинадиган ва ушбу намуна тўлов учун ҳақли ҳисобланади.
4. Оқава сув тармоғига: оқава сув қувурларини тикилиб қолишига ва емрилишига олиб келувчи манбалар (оҳак, кум, каолин);

-Оқава сув тозалаш иншоотида биологик тозалашга тўққинлик қилувчи моддалар

-Хавфли бактериологик моддалар

-Хар-хил ёғ, усимлик мойи ва нефть маҳсулотлари

-Биологик «каттик» ПАВ

-Кислоталар

ташлаш қатъиян ман қилинади.

5. Оқава сув тармоғига ташланаётган оқава сувлар таркиби қуйидаги белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак.

Температура 40 С

РН	-	6,5-8,5
Муаллақ модда	-	200мг/л
БНК -5	-	250мл/л
Азот аммоний	-	10мл/л
Фасфатлар	-	2мг/л
Хлоридкор	-	340мг/л
Сульфатлар	-	450мг/л
Нитрат	-	10мг/л
Нитрит	-	0,06мг/л
Минерал каттиклик	-	1500мг/л
Қраситель	–	ман қилинади.
Ёғлар, усимлик мойи	–	ман қилинади.
Нефть маҳсулотлари	--	ман қилинади.



Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "XORAZM OBI HAYOT" MCHJ o'rtasida tuzilgan shartnomani huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan

X U L O S A

2022-yil 31-yanvar

Yangibozor tumani

Men Yangibozor tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkon'sulti O.Rajapov, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "XORAZM OBI HAYOT" MCHJ o'rtasida 2022-yil 31-yanvar kuni tuzilgan 0201-004-sonli shartnoma loyihasini o'rganib chiqib, uni huquqiy ekspertizadan o'tkazdim.

Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shaxslar o'rtasida tuzilgan 0201-004-sonli mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998-yil 29-avgustdagi Qonunining 10, 20, 21 moddalariga solingan.

Shartnomaning umumiy summasi jami 1.162.080 (bir million bir yuz oltmish ikki ming sakson) so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri S.Reymova va "XORAZM OBI HAYOT" MCHJ rahbari B.Kurbanovlarga yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.

Shartnomani imzlashda xo'jalik shartnomalarini tuzishning erkinligi, taraflarning o'zaro manfaatdorligi, shartnoma intizomiga rioya etish, taraflarning o'zaro mulkiy javobgarligi printslariga to'liq rioya qilingan va taraflarning huquqlari hamda majburiyatlari aniq ko'rsatib o'tilgan.

Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalariga asosan;

X U L O S A Q I L I N D I:

Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "XORAZM OBI HAYOT" MCHJ o'rtasida 2022-yil 31-yanvar kuni tuzilgan 0201-004-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

**Yangibozor tuman yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi bosh yuristkonsul'ti**



O.Rajapov